





**МАЪНАВИЯТ сўзини ким қандай тушунади? Тўғри, унинг мазмунини жуда терең назарий тушунчалар билан шарҳлаш мумкин. Лекин мен уни оддийгина тушунгим келади. Кийгос гуллаган дарахтга маҳлиё бўлиб турган қизалоқ ҳам, йўл ўртасида ётган нонни кўзига суртиб, бир четга олиб қўяётган мўйсафид ҳам, кўйлагининг тугмаси чоппа қадалган бўлса-да, бир даста китоб кўлтиклаб қайқадир шошиб кетаётган тенгдошимиз ҳам, яхши бир фильмни томоша қилиш учун чипта олаётган йигит-қизлар ҳам кўзимга маънавий бой одамлар бўлиб кўринади.**

Ҳозир ҳам болалар бекор юришгани йўқ, меҳнат қилишари япти.

Ўйлаб кўрсам, халқ эртақларидан тортиб Абдулла Қодирий, Достоевский, Пушкин, Чингиз Айтматовларнинг асарларини ва бошқа кўплаб яхши китобларни болалигимда, ўқувчилик даври- мида ва талабалик йилларимизда ўқиган эканман. Агар нимадир кўлимдан келаётган бўлса, улар- ни ҳам ёшлигимда ўлаштир- га-

малол келаркан. Ота-она жи- гарбандини қувонтириш учун ни- мадир олиб келса-ю, у ҳадеб нарх суриштириб тергов қилса.. Шу яхшими?

Илгарилари ота-онага ҳеч қачон шарт қўйилмаган. Ҳозир 3-4 ёшли гўдак ҳам «Шоколад олиб бермасангиз боғчага бор- майман!» деб тихирлик қилиш- дан тоймайди.

Болалар илгарилари ҳам ой- надан сакрашган, боғдан дову- ча олишган. Баъзан-баъзан мактаб деразалари синиб қолиши ҳам мумкин эди. Лекин атайлаб эмас, беҳосдан қопток тегиб синар- ди, ўша ойна, Автобус ёки поезд ойналарига тош отиш- ку, мутлақо ҳаёлга келмасди.

Йўқ, мен бу билан один- ги гўдакларни мактаб, ҳозир- гиларини қораламоқчи эмас- ман. Тараққиётни тўхтатиб бўлмайди. Аммо бола ҳар қандай даврда болалиғича қолиши ва болалигини қилиши керак. Акс ҳолда мувозанат бу- зилади. Баъзан биз катталар бекорчилик билан бўш вақт ўртасида катта фарқ борлиги- ни унутиб қўяётгандекмиз. Бо- лаларга шошма-шошарлик, са- росимада юриш, нимадандир ҳадиксираш эмас, хотиржамлик, завқ-шавқ, катталарга ишонч туйғуси билан яшаш кўпроқ ярашади.


Кичкинтойларнинг ҳам жаж- жигина, жуда гўзал ва соғлом дунёси бор. Ҳали гард юлмаган бу кичкина Қалбаарни асраш, ёруғ мақсадлар билан мунаввар этиш ва камолотга етказиш Сиз ва Биз -- Катталар ҳаётининг мазмуни бўлиши шарт.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.

**БУГУН ЁНГИНДАН САҚЛАШ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ**

## ОЛОВНИ

### ТИЗГИНЛАЁТГАНЛАР



**Ортдошларимиз осийишталигини таъмин- лаш, давлат ва фуқаролар мулкани асрашда ёнгиждан сақлаш хизмати ходимларининг ҳам хиссаси каттадир. Ўзларининг касб бай- рами мўносабати билан республика Ички ишлар вазирлиги ёнгиждан сақлаш бошқар- маси бошлиғи, ички хизмат полковниги Адҳам Ёкубов шундай ҳикоя қилади:**

-- Хизматимиз ходимла- ри зиммасига халқ хў- жалининг барча корхона ва ташкилотларини, аҳоли турар-жойларини ёнгиждан сақлаш билан боғлиқ иш- ларни назорат қилиш, та- биий офат, фалокат содир бўлган, ёнгин рўй берганда инсонлар ҳаёти, соғлиғини, халқ мулки ва миллий бой- ликларимизни асрашдек масъулиятли вазифалар юклатилган. Бу вазифа бе- каму қўст бажарилишига эришиш мақсадида рес- публикамизнинг ҳар бир шаҳар ва туманида давлат ёнгин назорати ва ўт ўчи- риш хизматлари ташкил этилган бўлиб, улар зарур анжомлар, махсус техника билан таъминланган.

Ёнгин хавфсизлиги қои- даларига риоя қилиш бо- расида тушунтириш ишла- рини ўтказиш, бу қоида- ларнинг бажарилишини до- имо назорат этиш кўн- гилсиз ходисаларнинг одди- ни олишнинг муҳим оми- лидир. Шу боис, давлат ёнгин назорати ходимлари корхона ва ташкилотлар, ўқув муассасалари, маҳал- лаларда бўлиб суҳбатлар ўтказмоқда, ёнгин хавф- сизлигини таъминлаш тад- бирларини доимо назорат қилмоқда. Шунингдек, газ хизмати ходимлари билан ҳамкорликда фуқаро- ларимизга газдан фойдала- нишда риоя этилиши лозим бўлган хавфсизлик қоида- лари ўргатилаётир. Газдан руҳсатсиз фойдаланиш ҳоллари аниқланиб, қоида- бузарларга нисбатан чора кўриломоқда. Шундай бўлса- да, ҳамон айрим фуқаролар, ёнгин хавфсизлигига жа- вобгар кишиларнинг бепар- волиги, эътиборсизлигига дуч келмоқдамиз. Жумла- дан, ўтган йили ёнгин чиқиш хавфи бўлган 36 мингдан ортиқ корхона, иншоот ва бинонинг иш фаолияти вақтинча тўх- татилиб, 112 минг 129 ман- сабдор шахс ёнгин хавф- сизлиги қоидаларини буз- гани ёки бажармагани учун маъмурий жавобгарликка тортилди.

Ўтган йил мобайнида ёнгиждан сақлаш бўли- малари 21 минг 652 маро- таба ёнгин содир бўлган жойларда 269 киши ҳа- ётини, 186 техник восита- ни, бир неча миллиард сўмлик бино, иншоот ва моддий бойликларни сақлаб қолди. Ўз вақтида кўрилган

чора-тадбирлар натижа- да шу вақт ичида ёнгин чиқиши 1995 йилга нисба- тан 4,5 фоиз камайди. Бун- дай ҳолларнинг ишлаб чиқариш корхоналарида 21,1 фоиз, маданий оқартув ва маъмурий биноларда 16,1 фоиз камайишига эришил- ди. Ёнгин сабабларига кел- сак, болаларнинг олов бил- ан ўйнаши оқибатида со- дир бўладиган ёнгинлар 11,9 фоиз, оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш натижа- сида чиқадиган ёнгинлар 7,9 фоиз, корхоналарда техно- логик жараён бузилиши натижасида келиб чиқа- диган ёнгинлар 47,2 фоиз камайди.


Айниқса, пахта, дон, ипак қурти боқиб ва ем- хашакни йиғиштириб олиш мавсумларида амалга оши- рилган тадбирлар ўз сама- расини берди. Бу йил энг катта муаммоларимиздан бири -- аҳоли турар-жой- ларида содир бўладиган ёнгинларнинг ҳам камай- ишига эришилди. Ваҳо- ланки, 1996 йилги ёнгин- ларнинг 70 фоиздан кўп- роғи фуқароларнинг турар- жойларида содир бўлган эди. Бу давлат ёнгин назо- рати ходимларининг аҳоли ўртасида, оммавий ахборот воситалари орқали олиб бораётган тарғибот-ташви- қот ишлари самарасидир.

Бундай тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши юртимизда ёнгин чиқишдек офатнинг янада кескин камайишига олиб келиши шубҳасиздир.

(ЎЗА).

**КўНГИЛ ОЙНАСИ**

## КАТТАЛАР ВА КИЧИКЛАР



Кичкинтойларнинг хотиржам хатти-ҳаракатларини кузатганимда- ку, бутун вужудим яйрайди. Биз катталардаги тажанглик уларга ҳеч қачон юкмасади деб ният қила- ман. Тўғри, бу болалар МАЪ- НАВИЯТ сўзини шарҳлаш у ёқда турсин, уни тўғри талаф- фуз қилишга ҳам қодир эмас- лар. Аммо кичкинтойларнинг руҳий олами жуда гўзал. Улар суваракка ҳам дап-дурустан ташланмайдилар. Аввал мулоҳаза қилиб кўришади, бу жонотни нима учун ўлдирш кераклиги ҳақида катталардан сўраб билмоқчи бўладилар.

Яқинда бир танишим кизи учун фалон минг сўмга чарм курт- ка, қанақадир қимматбахо қўйлак ва яна бир нечта хунд қизларни- нинг суратларини харид қилибди. Совгаларни кўриб қувониб кетган 13 яшар қизалоқ онасини маҳкам кучоқлаб. «Раҳмат сизга ойингон!» деб миннатдорчилик билдирибди. Онаси: «Қайси бири учун кўпроқ суюндинг?» деб сўраса, «Жўхи Чалва билан Матхурнинг энг чи- ройиларини обексланганингиз учун!» деб жавоб берибди.



Дуғонам бу воқеани менга кула- кула айтиб берганида, фарзандла- римизнинг руҳий эҳтиёжлари, сез- гилари, тасаввурлари биз катта- ларниқига қараганда гўзалроқ эканлигига ифрор бўлувдим. Очиғи, хунд кинофильмларидати чиройли суратларни завқланиб томоша қилаётган қизчаларни кўрсам қуво- наман. Гўзалларга ҳаминча худди

тайман. Аслида меҳнат ҳам маъна- вият. Лекин катталар меҳнати ўрта- сида кескин фарқ бўлгани яхши. Майли, катталар уни тирикчилик, яшаш учун ку- раш деб тушуна қолсинлар. Лекин ҳали суяги қотмаган, ҳаётнинг гўзал томонларини- гина кўрувчи кичкинтойлар учун меҳнат мазмуни бир ўйиндай гап бўлсин. Завқ- шавқ билан қилишсин, захмат деб тушуншмасин уни. Акс ҳолда, меҳнатдан тез чарчаб қолишади. Болаликда пахта терганми, кўп теришга ин- тилганми. Бироқ терган пах- тамизга қанча пул беришлар- ини ва унга нималар сотиб олиш мумкинлигини билмас- диқ.

ним аниқ. Ҳозир катта-катта ки- тобларни мутолаа қилишга вақт топиш амри маҳол, жиддий бир ҳунарни ўрганиш у ёқда турсин, кундалик юмушларимизни кўнгилдагидек удалашга ҳам базўр имкон топамиз. Ўйлаб қоламан. Бугун чойни пуллаётган болалар эртага уни бировга текинга бера олармикин! Ҳозир бирор нарса кўтариб кел- сангиз фарзандларингиз «неча пул экан?», «қайси бозордан олдин- гиз?», «Туркияникими, Хитой- никими?» каби саволлар билан сизни шошириб қўяди. Баъзан айтилган каттароқ нархдан улар- нинг қувончи барҳам топиши мум- кин ёки аксинча...

Тўғри, каттами-кичикми бари- бир лоқайд бўлмагани яхши. Лекин лоқайдликнинг ҳаддан ташқари тескариси ҳам кишига

## ҚУРБОН ҲАЙИТИНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР!



"ЎТ-БАНК" - Ўзбекистон-Туркия қўшма банки жамоаси

*тобора яқинлашиб келаётган мусулмонларнинг муқаддас байрами - Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча мўъмин- мусулмонларни самимий муборакбод этади. Уларга соғлиқ-саломатлик, ишларига ривож тилайди.*

*Банк жамоаси ушбу табаррук айёмда кишилар кўнглидаги жамики эзгу ниятларнинг амалга ошишида тилакдош эканликларини изҳор этади.*

*Илоҳим, Қурбон ҳайитини мустақил Ўзбекистон халқлари доимо ёруғ юз, огиқ беҳра билан, шоду хуррам кайфиятда кутиб олаверсинлар!*

*Байрам уларга фақат бахт-саодат ҳадя этмай, иншооллоҳ!*

**Банк манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 3-мавзе, 74-уй.  
Телефонлар: 77-59-67, 77-45-19. Факс: (3712) 77-34-08.  
Телекс: 116623 UTB RU.**

МИЛЛАТ ГУРУРИ


Туй даврасида ёш хонанда утирганларни «озгита қаратиб» баралла куйлаётганида, бирданига... микрофон учиб қолади!

халқлар мусиқачилигидан нимадир ўрганиш, ибрат олишнинг ёмон томони йўқ.

аксарияти хорижнома мусиқага солиб айтаётганидир. Уз миллини ёмон томони йўқ.

қўшиқларни қиёмга етказиб айтаётган ёшларимиз кўпми ё оми? Шу ўринда танқиди санъаткор.

ёрини олма омонат», «Қарамаса қарамасин, не парвойим бор, ёшларимдан суяб олган вафодорим бор».



1-ТошМН кўз касалликлари профессори Муҳтарам ая Ҳамидовани ўз касбининг фидоисига сифатида бутун жамоа ахши билади.

ЎЗИМИЗНИНГ ЎЛМАС НАВОЛАР



тополмаган буюмга ўхшайди. Маълумки, ҳар қандай буюм фақат ўз эгасига ярашиқлидир!

асарлар неча вақтлардан бери яшаб келаркан, ортиқча безак ё бошқа хилдаги қўшимчаларга мўлҳож эмас.

Аслида ҳам шундайми? Ижро маҳорати фақат овоз билангина белгиланадими? Йўқ, албатта.

сўнгги пайтда Юлдуз Усмонова, Мухриддин Ҳолиқов, Хуррият Исроилова, Насиба Абдуллаева, Маҳмуджон Азимов, Ғиёс Бойтоев, Охунжон Мадалиев, Абдулҳай Каримов ва кўпгина иқтидорли хонандалар овози билан янада бойиди.

Хориж қўшиқчилигида мен бир нарсасга эътибор қилганман: хонанда сахнада ўзини қўшиққа мос ҳолда тутайди, қўшиқ мазмунини унинг хатти-ҳаракатида акс эттади.

Кўшиқ аслида нима ўзи? Менимча, қўшиқ миллият мадҳияси. У миллиятнинг гурури, шаъни-шукҳи. Том маънода у миллият феълини ифодолловчидир.

Мани ёрим гаплашмайди, Гаплашмасга гаплашмасин, Ўзим бориб гаплашаман.

Ёхуд мана бундай: «Ёралар, ёр-ёралар, ошнгу-маъшук мўралар, қўймангиз бегонани, бўлсин-о оворалар...»

Бир пайтлар ёш қўшиқчиларимиз «Бизда ҳам Сан-Ремо ёки Юрмаладаги каби замонавий қўшиқ фестиваллари ташкил этилса, ижодий имкониятларимизни кенгроқ намоён этардик» деб орзу қилишарди.

ЮНУС РАЖАБИЙ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтдаги «Турон» кутубхонасида академик Юнус Ражабий таваллуди-нинг 100 йиллигига бағишланган адабий-мусиқий кеча ўтказилди.

Сурхондарёлик божхоначилар «Душанбе -- Москва» йўналишидаги поездни божхона назоратидан ўтказиб, тожикистонлик аёлнинг уч ёшли ўғилчаси этигидан бир килограммга яқин қорадори топиб олган.

Эндигина йигирма ёшни қоралаган тожикистонлик жувон савогажа жавоб берар экан, шашқатор ёшларини тўхта олмас эди.

наётганларнинг ёшлари ҳам турлича. Бирлари эндигина бўйи етган навахил қизлар бўлса, яна бирлари фарзанд тарбиялаётган жувонлар ёки ҳаётнинг аччиқ-чучугини тортган кекса аёллардир.

тон йўлдан оздирди экан? Сурхондарёлик божхоначилар «Душанбе-Москва» поездига кетаётган бу аёл ички кийими орасига салкам ярим килограмм нашани яширганлигини аниқлашди.

Сурхондарё вил., Дево туманидаги «ОРЗУ К» ишлаб чиқариш тижорат хусусий фирмаси томонида йўқотилган «Ўздонмаҳсулот» давлат акционерлик корпорациясининг ДОН 001-сериали, 0016-076-номери, 50.000 сўм қийматли, ДОН 001-сериали, 0030769-номери, 50.000 қийматли, ДОН 001-сериали, 0030649-номери, 50.000 сўм қийматли векселлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинди, деб ҳисоблансин.

Тадбирда республика маданият ишлари вазирининг ўринбосари Р. Юнусов, санъатшунослик институти директори Т. Ғофурбеков, адабиётшунос олимлар Н. Каримов, О. Шарофиддинов ва бошқалар сўзга чиқиб, устоз санъаткор ўзбек миллий қўшиқчилиги ривожига муносиб ҳисса қўшгани, мумтоз мусиқа дурдоналарини тўплаб, улкан маънавий мерос қолдиргани, унинг «Ўзбек халқ мусиқаси», «Шашмақом», «Мусиқа меросини бир назар» каби китоблари фойда катта аҳамиятга эга экани тўғрисида гапирдилар.

Оёқланг болакай эса онаси қўлидан чиқибга уринар, ён-атрофга қизиқиб билан боқар эди. У хали жуда кичкина, онасининг бошига тушган фожевани англаб етмасди. Бу дунёда разолат, кину адоват, гуноҳу ёлгон борлиги ҳали унга ёт.

ТАРОЗИ АЁЛ БАҒРИДАГИ ҚОРАДОР

исботлайди. Сўнгги уч йилги қиёсий таҳлиллар шуни кўрсатдики, божхонада 1994 йилда 32 нафар аёлдан жами 67 килограммга яқин қорадори мусодара қилинган.


Бундан қорадори билан ушланган хотин-қизларнинг барчаси олиб кетаётган юкиннинг нима қисми билмайди, деган хулоса чиқмайди.

MSDC

- қимматли қозғалар бозори - 120 соат
маркетинг - 40 соат
менежмент - 40 соат
молия менежменти - 40 соат
бизнес-рекламлаштириш - 48 соат
бухгалтерия ҳисоби - 60 соат
бизнес-мактаб ва коллежлар муаллимларини ўқитишининг янги технологияси - 48 соат.

Тошкент автомобил ва йўллар институти қошидаги Лицей тест синовлари ёрдамида танлов орқали 10-синфга қабул эълон қилинди. Лицейда математика - физика ёки математика - инглиз тили йўналишларида чуқур ўзлаштириш мавзуси бўлиб, дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Бозор кўникмаларини ривожлантириш Маркази қуйидаги йўналишлар бўйича ихтисослаштирилган курсларига тингловчилар қабул қилади. Курсларни муваффақиятли тугатган тингловчиларга халқаро андозалардаги сертификатлар топширилади.



Халқ сўзи Народное Слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ.

БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Халқаро 33-07-48; Мерос ва қадриятлар 36-29-89; Қишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодий 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Туни муҳарририят 33-10-28; Эълонлар 36-09-25.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир - Т. Долмас. Навбатчи - Г. Йўлдошев. Мусахҳах - Ш. Машраббеков.